



ARTICLE INFO

Received: 09th November 2022

Accepted: 18th November 2022

Online: 20th November 2022

KEY WORDS

Шеър ва адабиёт, истеъдод, дилбар шоира, моҳир таржимон, спортчи ижодкор, муваффақиятлар, ижодкор ютуқлари, ижод ва олам, умр йўллари.

Юртимиз ёшларига қаратилаётган эътибор, ғамхўрлик мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг энг устувор йўналишларидан биридир. Қўплаб соҳаларда қўлга киритилаётган марралар, ютуқлар ана шу ғамхўрлик ва қўллаб-қувватлашнинг ёрқин ифодаси бўлмоқда. Ватан тақдирига дахлдор эканини ҳис қилиб яшаётган ёшлар бу имкониятлардан албатта, унумли фойдаланади. Республика ёш ижодкорларининг Зомин семинари орқали устозлар меҳрини қозонган дилбар шоирамиз Хонзодабегим Жамолова ҳам ана шундай тиниб-тинчимас тенгдошларимиздан бири эди. У ҳаётлик пайтида ўз тиришқоқлиги, адабиётга, сўзга бўлган масъулияти, муҳаббати боис фақат вилоятимиз эмас, балки республикамиз миқёсида кўзга ташланиб, униб-ўсиб келаётган қаламкашлардан эди. Ўзи бу олам билан видолашган эса-да, ўтли сатрлари, ҳароратли бандлари ҳамон ёдимизда, унут бўлгани йўқ.

“КЎКЛАМЛАР КЎЗ ОЧАР КЎНГЛИМДА...”

Бону Саримова Шуҳрат қизи

Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети 1- босқич талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7340251>

ABSTRACT

Келтирилган мақолада юртимиз ёшларига қаратилаётган эътибор, ғамхўрлик мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг энг устувор йўналишларидан бирига айланаётгани, қўплаб соҳаларда қўлга киритилаётган марралар, ютуқлар, ғамхўрлик ва ёшларни қўллаб-қувватлаш масалалари, ҳамда ёш шоиранинг ижоди ва ҳаёти, унинг босиб ўтган сермазмун умри, забт этган марралари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Хонзодабегим 1999 йил 27 мартда Тошкент вилоятининг Бекобод туманида дунёга келганди. Адабиётга меҳри баланд бўлгани учун шеърият ва публицистика, таржима йўналишларида ижод қила бошлади. Дастлаб Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси ўлароқ турфа халқаро конференцияларда қатнашди, “Спортчи ижодкорлар” клуби раиси, халқаро тоифадаги спорт ҳаками, “Республика лидер қизлар” ҳаракат раҳбари каби натижаларга эришди. Айни пайтда Ўзбекистон давлат Жисмоний тарбия ва спорт университети талабаси эди.

Хонзодабегим Жамолова фақат жамоат ишлари билан чекланиб қолмас, худди умри қисқалигини биладигандек, шу қисқа умрида кўп ишларга улгуриши лозимлигини англагандек ҳаракат қиларди. Шахсан мен унинг бирор жойда гап сотиб, хотиржам ўтирганини, бир масалани узоқ таҳлил этиб турганини кўрмаганман. Ҳамиша шошар, ҳамиша вақтни бировдан қарзга олгандек тараддудда турарди.



У қанчалик жамоат ишлари фаоли бўлмасин, қалбан, зоҳиран шоиртабиат эди. Гарчи каратэ бўйича қора белбоғ соҳибаси эса-да, бироқ бир оғиз оғир, ножўя гапдан кўзига ёш олиши, кўнгли синиб қолиши ҳеч гап эмасди. Шишадек ҳарир ва шишадек нозик кўнгли соҳибаси эди. Буни ёзган шеърларини ўқиб ҳам англашингиз мумкин. Хонзодабегимнинг илк шеърий туркуми 2015 йилда “Сир бўйи илҳомлари” ҳамда “Истиқлол шукуҳи” номли умумий тўпламларда ҳамда 2019 йил “Баҳор вальси”, “Нурафшон илҳомлар” каби альманахларда чоп этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси маблағлари ҳисобидан эса “Биринчи китобим” туркумида илк китоби — “Бахт тонги” тўплами нашр қилинганди.

Хонзодабегимнинг булоқлардан ҳам тоза қалби бор эди! Ёрқин туйғулар ва бахтга ошуфталик унинг кўзларига сингиб кетганди, назаримда. У шеърлари асосига ишқ мавзусини яширса-да, бироқ зоҳирда бахт, соғинч, армон, куз сингари деталлар етакчилик қилиши ўша хислат, ўша тийнат инъикосидир. “Хонзодаман” шеъридаги:

Мен қандай қиз?

Бургут кўзларин ўпиб,

**Оловлар лабида рақс тушган оққуш.
Тўқсон бор йиқилиб, минг бора туриб,
Йиқилиб-енгилиб майдон тукқан куч,** — мисраларини ёзишига нима туртки бўлди экан, деб кўп ўйланаман. Қани энди, ўйларимга етсам, сабабини билолсам. Билганим, шоир шуурида пишиб етилган маънолар шодаси навбати билан оқ қоғозга тўкилади. Ўқиганингизда ана шу шодалар ўзидан нур таратиб, қалбингизни ёруғликка тўлдиради. Барибир сирини очмайди.

Хонзодабегимнинг табиати, феъл – атвори ёзаётган шеърларида акс этади. Бу чинакам шоир учун, адиб учун, назаримда, виждон кўнғироғининг ўзи! У қалбидаги кечинмаларни кўп ҳам пардозламайди, сўзга ортиқча безак

бермайди. Кўпроқ табиийликка, сўзларнинг ўзи аслида бўёқларсиз ҳам гўзаллигини, мўжиза эканини кўрсатишга интилади ва бунга қайсидир маънода эришган:

**Орзуларни ёқдим дасталаб,
Куйиб кетди юрак – бағрим ҳам.
Бу дунёнинг майхоналари,
Куйиб ичар кўзларимга ғам.**

**Йиғлаганим сари томчилаб,
Оқиб боргум сенга, Худованд.
Ёлғонлардан тиланиб умид,
Ўз – ўзимга беравердим панд.**

Бу муқаддас Ўзбекистонимизни ким ҳам елкасида опичлаб юксак марраларга олиб боришни орзу қилмайди, дейсиз. Албатта, кўнглида ватанпарварлик туйғуси бор ҳар қандай инсон дилидан бу ўй-хаёл ўтади. Шеърнинг давоми сифатида Хонзодабегим: **Рухимда Тўмарис қилич ўйнатиб,**

**Ёвнинг кўзларига солади ғулув,
Магар жангда байроқ кўтарсам сен деб,**

Юрсам, қадамимдан кўрқади кўрқув, — дея юрагидаги оловни кўрсатишга уринади. У ватани учун, ўз киндик қони тўкилган, оламдан ўтгач, хоки қўйиладиган табаррук заминга кўксини тутган қоя бўлсам, деб орзулайди. Шундай қояки, уни кўрганида ҳар қандай кўрқув кўрқиб кетсин, ҳайиқиб кетсин.

Шеър сўнгида эса:

**Ортимдан эргашиб юради осмон,
Ҳали кашф қилинмаган тилларанг сўзман.**

Ҳуррият деб умрини сулҳларга тиккан,

Темурий қиздирман, Хонзода қизман.

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам, Хонзодабегим ҳали кашф этилмаган сўзга, ҳали кашф қилинмаган юлдузга ўхшарди.

Хонзодабегим шеърлари ёшликка хос руҳ билан суғорилганди, ахир уларнинг асоси ишқ эди. Аммо бу ишқ шунчаки хой-ҳавас, ўлдим-куйдим



эмас, йўқ, балки у ўз ишқи орқали Яратганга мурожаат қилганди. Бу мурожаат айна пайтда Ватанга муҳаббат, дўсту ёрга меҳр-садоқат ҳам эди. У ёш бўлишига қарамай, қорадан оқни фарқлаши, кичик мағлубиятлардан катта хулосалар чиқаргани ҳар қандай ёшдаги одамда умид уйғотарди, кўнглини кўтарарди. Мен Хонзода деган қиз ўз сатрларида ҳамон тирик эканига, яшаб келаётганига ишонаман. Ўзи ҳам “Исёнкор” шеърида:

Дод дедим, шу кеча дод дедим.

Тушун, эй одамизод, дедим.

Исёнкор шамоллар элчидек,

У энди ҳижрондан шод, деди,

— дея оғриқлардан топган роҳатини куйлайди. У камтарлик ила бу роҳат қатида мангулик борлигини айтмайди, балки буни англашни бизга, ўқувчиларига қолдиради.

Кўкламлар кўз очар кўнглимда,

Бодомзор очади ишқ сири.

Кўксимда шеър ҳиди гупура,

Ҳисларим – бинафша, настарин...

Ёш шоиранинг шеърлари орасида, бутунлай ғамгин ёки тўлалигича шодонини тополмайсиз. Ёки бутунлай қора рангдаги байтларни учратмайсиз. Бари қоришиқ ҳолда келади. Ахир ҳаётнинг ўзи шундай – ку! Тўрт фасл ҳам қиш бўлмайди. Бу Хонзодабегимнинг ёшига мос фикирлаётгани, оламини ўзи билан идрок этаётганининг ҳам амалий ифодаси аслида:

Сўзингни, кўзингни, ўзингни, эй дўст,

Кечикиб, ичкиб кўргали келдим.

Дилбулоқ келтирдим меҳрга ташна,

Тўкилгали келдим, тўлгали келдим.

Китобдан ўрин олган бир неча рамзлар шоира қаламга олган ижтимоий-фалсафий ғояларни юзага чиқаришда бевосита хизмат қилади. Шеърлардаги, китоб, бинафша, бодомзор, кўклам, ёмғир, юлдуз, ой, қуёш, қалам, тонг, тоғ ва дарё каби сўз-портретлар ўқувчи нигоҳида кўз ва онг

илғамас қирралар чизади. Улар ёрдамида борлиқнинг нақадар гўзал ва мазмундорлигига, инсон эса бунга ўз вақтида эътибор бермаслигига амин бўласиз. Хонзодабегим ҳамиша янги сўз, янги шеър иштиёқи билан ёнарди. Бунинг тасдиғини эса: “Кўнглингдаги баҳорман” шеърида кўришимиз мумкин:

Билганим сен ўзингсан,

Кулганим шўх сўзимсан,

Бахтга таклиф этилган,

Аҳдга таклиф этилган,

Йўлингга интизорман,

Кўнглингдаги баҳорман.

Ижодкорнинг илк китоби, ўзи кўрган биринчи ва охири китобига тўпланган шеърлари орасида кўтарилган мавзунинг юки, ифодаларнинг содда-равонлиги, мисраларнинг дилтортарлиги Хонзодабегим ижодини яқиндан ўрганишга ундайди. Унинг шеърлари орасида муҳаббат сабабли дунёга келган, кўнгилдан чиқиб кўнгилга борувчи қатор намуналарни эътироф этишимиз мумкин: “Пушкинга”, “Келдим”, “Ёмғирли кайфият”, “Кенжа ботирга”, “Сиз десам...” ва ҳоказо. Бу оламда инсон умрининг давомчиси сифатида сўз қолади, у асрлар оша яшаб киши умрини узайтиради.

Хонзодабегим “Юсуф синглисига” шеърида шундай мисраларни келтиради ва кўриниб турибдики, шеърлари умрининг давомчиси бўлишига, манзили бахт билан тугайдиган ерга элтишига ишонади. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашни жуда хоҳлардим. Хонзодабегим Жамолова қисқа умр кечирди, аммо бу сермазмун умр ҳар битта ижодкорга ўрناк бўла олади. Биз Хонзодабегимнинг охирати обод бўлишини “Бахт тонги” шуълаларининг нурлари қабри узра то қиёматгача ёғилиб туришини Яратгандан сўраймиз.



References:

1. Х.Жамалова “Бахт тонги” “Адабиёт” 2020
2. М. Кенжабек “Ёшларга дил сўзларим” Тошкент “Адабиёт” 2021
3. Шеърый тўплам “Баҳор валси” Тошкент 2019.